



МУНДАРИЖО

ТЕРГОВ АМАЛИЁТИ / СЛЕДСТВЕННАЯ ПРАКТИКА | № 3/2023 йил (19-сон)

Яхёжон АБДУЛХАКОВ,

ЖЕНЕВАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
НАВБАТДАГИ ҲИСОБОТИ ТАҚДИМ
ЭТИЛДИ

2

Элёр АХМАДАЛИЕВ,

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ –
СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТИШНИНГ
МУҲИМ БОСҚИЧИ

6

Клара НАРМАНОВА,

ЖИНОЯТДА ДАЛОЛАТЧИЛИК
ҚИЛГАН ШАХСНИНГ ҚИЛМИШИНИ
КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ
АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

10

Мухсинжон СУЛТОНОВ,

ЭЛЕКТРОН МАБЛАҒЛАРНИ
ТАЛООН-ТОРОЖ ҚИЛИШГА ҖАРШИ
КУРАШИШ: СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ
МИСОЛИДА

18

ТОПИШМОҚЛАР

25

Сабина БАХОДИРОВА,

СРАВНИТЕЛЬНО-ПРАВОВОЙ
АНАЛИЗ УГОЛОВНО-ПРАВОВЫХ
АСПЕКТОВ ПРЕСТУПЛЕНИЙ
ПРОТИВ ЗДОРОВЬЯ: РЕСПУБЛИКА
УЗБЕКИСТАН В КОНТЕКСТЕ
МЕЖДУНАРОДНОГО ОПЫТА

26

Дурбек ДУСМАТОВ,

КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ
ХАРАКТЕРИСТИКА ПРЕСТУПНИКА:
СУБЪЕКТ КИБЕРПРЕСТУПЛЕНИЙ
КАК СИСТЕМООБРАЗУЮЩИЙ
ЭЛЕМЕНТ

32

Шукуруллахон ФАЙЗУЛЛАХОНОВ,

ТРАНСПЛАНТАЦИЯ, ОЛИШ ЁКИ
БЕРИШНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ
МУАММОСИ. БЕЛАРУСЬ
РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА

38

Мурод МАВЛЯНОВ,

ЭКСТРЕМИЗМГА ҖАРШИ
КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ
БОСҚИЧЛАРИ

46

Мухтор АБДУРАХИМОВ,

ХОДИСА ЖОЙИДА БИОЛОГИК КЕЛИБ
ЧИҚИШГА ЭГА БЎЛГАН ИЗЛАРНИ
АНИҚЛАШ ВА ОЛИШНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

56

Светлана ГРИШКО,

ПОРЯДОК ПОДГОТОВКИ И
НАПРАВЛЕНИЯ ЗАПРОСОВ
О ПРАВОВОЙ ПОМОЩИ ПО
УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ В
ИНОСТРАННЫЕ ГОСУДАРСТВА

64



Яхёжон АБДУЛХАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазири ўринбосари –
Тергов департаменти бошлиғи
Юридик фанлар бўйича фалсафа
доктори (PhD)

ЖЕНЕВАДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ БУЙИЧА НАВБАТДАГИ ХИСОБОТИ ТАКДИМ ЭТИЛДИ





Бугун юртимизда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислоҳотларнинг марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётий ҳақиқатни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасидаги "Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаати ислоҳотларнинг бош мақсади этиб белгиланди"-деб, билдирган сўzlари ҳам исботлаб турибди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда тергов органларининг зиммасига ҳам катта масъулият юкланмоқда. Ишни судга қадар юритиш босқичидаги терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов давомида инсон тақдирини ҳал қилишда чуқур масъулият билан қонунийлик ва инсонпарварлик нұқтаи назаридан ёндашилмоқда.

Сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, бу бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Бинобарин, жорий йилнинг 6-17 ноябрь кунлари Женева шаҳрида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг Универсал даврий шарҳи (УДШ) юзасидан ишчи гурухининг 44-сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси ўзининг тўртинчи ҳисоботини тақдим этди. Навбатдаги сессиясида иштирок этган Ўзбекистон делегациясига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори Акмал Саидов бошчилик қилди. Делегация таркибига, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар масалалари ва гендер тенглиги қўмитаси аъзоси Гулнора Маруфова, Олий суд раиси ўринбосари Икром Муслимов, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Эльмира Боситхонова, шунингдек, ТИВ ва Ўзбекистоннинг БМТнинг Женевадаги доимий ваколатхонаси вакиллари киритилди.

TERGOV
АМАЛИЕТИ

M

аълумот учун, Ундиверсал даврий шарх БМТга аъзо бўлган барча 193 та давлатларда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазият тўғрисидаги мутахассислар баҳосини ўзида акс эттиради.

УДШнинг биринчи, иккинчи ва учинчи шарҳлари мос равишда 2008 йил декабрь, 2013 йил апрель ва 2018 йил май ойларида кўриб чиқилган.

44-сессияда Ўзбекистон Республикаси билан бир қаторда 13 давлат: Озарбайжон, Бангладеш, Буркина-Фасо, Кабо-Верде, Камерун, Канада, Колумбия, Куба, Жибути, Германия, Россия, Туркманистон ва Тувалунинг маърузалари кўриб чиқилди.

Тадбир давомида халқаро ҳамжамият эътиборига Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган салмоқли саъий-ҳаракатлар, жумладан, қонунчилик, маъмурий ва суд-ҳуқуқ тизимидағи ислоҳотлар халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола этилди.

Ўзбекистон ҳисоботи бўйича йиғилишда 84 давлат сўзга чиқди ва 244 та тавсия берилди.

Аксарият делегациялар вакиллари Ўзбекистон томонидан Ундиверсал даврий шарх бўйича 2013 ва 2018 йилларда бўлиб ўтган муҳокамалар даврида берилган тавсияларни изчил бажариш, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши билан очик ва амалий мулоқотни ривожлантириш бўйича қўйилган амалий қадамларни юқори баҳоладилар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замираиде инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва рағбатлантириш ҳамда мазкур соҳадаги халқаро мажбуриятларини бажаришга содиқлиги яқъол намоён бўлаётгани алоҳида таъкидланди.

Айниқса, пахта терими даврида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатига барҳам бериш, шунингдек, одам савдосига қарши курашиб борасидаги ютуқлари БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо мамлакатлар томонидан ижобий баҳоланди.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ихтисослашган БМТ тузилмалари билан ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш борасидаги саъий-ҳаракатлари эътироф этилди. Бу борада БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Фолкер Тюркнинг 2023 йилнинг март ойида Ўзбекистонга амалга оширган ташрифи ёрқин мисол бўла олади.

Миллий маъруза муҳокамаси давомида Ўзбекистон томонидан: БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга ошириш, Болалар омбудсманини таъсис этиш, болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, оналар ва болалар улимини камайтириш, аёллар ҳуқуқлари ва гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, сўз ва оммавий ахборот воситалари эркинлигини қўллаб-қувватлаш; коррупцияга қарши курашиб олиб бориш, қийноқларга қарши курашиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг узлуксиз тизимини



шакллантириш каби соҳаларда кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги эътироф этилди.

Сессия иштирокчи давлатлари вакиллари Ўзбекистон Ҳукуматининг ногиронлиги бўлган инсонлар ҳуқуқларини таъминлаш ва уларга имкониятларни янада кенгайтириш масалаларига қаратаётган эътиборини ҳамда Ўзбекистон томонидан Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ратификация қилинганини мамнуният билан қайд этдилар.

Шунингдек, Ўзбекистоннинг сўнгги йилларда БМТнинг терроризм ва экстремизмга қарши курашиб масалалари бўйича ихтинослашган тузилмалари билан фаол ҳамкорлик қилиб келаётганилиги ва бу борадаги асосий универсал ҳуқуқий хужжатларнинг иштирокчиси ҳисобланиши юқори баҳоланди.

Айни шу йўналишда Ўзбекистоннинг "Мехр" маҳсус операциялари доирасида ўз фуқароларини уруш ҳудудларидан қайтариш ва уларнинг жамиятга интеграциялашувини таъминлаш тажрибаси БМТга аъзо кўплаб мамлакатлар учун намуна сифатида кўрсатилди.

Маълумот учун, "Мехр" инсонпарварлик операцияси илк бор 2019 йили амалга оширилган бўлиб, унда 156 нафар ўзбекистонлик, асосан, аёллар ва болалар Сурья пойтахти Дамашқдан маҳсус рейс билан Ўзбекистонга олиб келинган.

2019 йилнинг октябрь ойида эса Яқин Шарқдаги можаролар ҳудудидан ўзбекистонликларни қайтариш бўйича иккинчи маҳсус операция амалга оширилган. 2020 йилнинг декабридаги учинчи маҳсус операция доирасида Суриядан 25 нафар аёл ва 73 нафар бола, 2021 йилдаги «Мехр-4» операцияида эса 24 нафар фуқаро Афғонистондан Ўзбекистонга қайтарилган. Бешинчи «Мехр» операциясида 93 нафар киши мамлакатга олиб келинган.

Муҳокамалар чоғида Ўзбекистоннинг қатор ҳалқаро шартномаларга қўшилиши юзасидан айrim давлатлар томонидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Жумладан:

- "Барча меҳнаткаш мигрантлар ва уларнинг



**Ўзбекистон
ҳисоботи бўйича
ийғилишда 84
давлат сўзга чиқди
ва 244 та тавсия
берилди.
Аксарият
делегациялар
вакиллари
Ўзбекистон
томонидан
Универсал даврий
шарҳ бўйича 2013 ва
2018 йилларда бўлиб
ўтган муҳокамалар
даврида берилган
тавсияларни изчил
бажариш, БМТнинг
Инсон ҳуқуқлари
бўйича кенгаши
билан очиқ ва
амалий мулоқотни
ривожлантириш
бўйича қўйилган
амалий қадамларни
юқори баҳоладилар.**

оила аъзоларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳалқаро конвенция;

- Барча шахсларни ғайритабиий йўқолиб қолишдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги ҳалқаро конвенция;

- БМТнинг «Қийноқقا солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга қарши Конвенцияси Факультатив протоколи»;

- Аёлларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияяга Факультатив протокол;

- Аёлларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиб тўғрисидаги Истанбул конвенцияси;

- Қочқинлар тўғрисидаги Конвенция ва унга факультатив протокол;

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияяга учинчи факультатив протокол;

- Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги ҳалқаро конвенцияяга Факультатив протокол;

- Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро пактга Факультатив протокол;

- Ҳалқаро жиноий суднинг Рим статути.

Деярли барча иштирокчилар Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватладилар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш соҳаларида амалга оширилаётган янгиланишларни изчил давом эттириш тавсия этилди.

Шунингдек, сессия давомида Ўзбекистон делегациясининг БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси Европа ва Марказий Осиё сектори раҳбари Хулан Цедев, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қийноқларга қарши қўмитаси раиси Клод Хеллер, "UPR info" нодавлат нотижорат ташкилотининг лойиҳалар бўйича менеджери Наргиз Аруповалар билан икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтди.

Учрашувлар давомида инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда мазкур соҳада келгусидаги режалар муҳокама қилиниб, фикр алмашилди.



ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ

СУДГА ҚАДАР ИШ
ЮРИТИШНИНГ
МУҲИМ БОСҚИЧИ

PRE-INVESTIGATION CHECK IS
AN IMPORTANT STAGE IN THE
CONSIDERATION OF THE CASE IN COURT



Элёр АХМАДАЛИЕВ,
Тергов департаменти Халқаро
ва алоқалар бўлими ўта муҳим
ишлар бўйича терговчиси,
мустақил изланувчи

Elyor AKHMADALIYEV,
*The investigator on extremely
important cases of the
International and communications
department of the Investigation
Department
Independent researcher*

- **АННОТАЦИЯ.** Мазкур мақолада терговга қадар текширувни амалга ошириш бўйича белгиланган талаблар, ушбу босқичнинг ўзига хос жиҳатлари, амалиётда мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан илмий-назарий фикрлар баён қилинган.
- **КАЛИТ СЎЗЛАР:** терговга қадар текширув, судга қадар иш юритиш, тергов ҳаракати, процессуал ҳаракат, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш.
- **ANNOTATION.** In this article, the specified requirements for the implementation of the investigation before the investigation, the specific aspects of this stage, the problems in practice and their solutions are described.
- **KEYWORDS:** pre-investigation check, pre-trial paperwork, investigative action, procedural action, dismissal and waiver of the criminal case.





аълумки, сўнгги йилларда суд-хуқуқ тизимини такомиллаштириш юзасидан қатор ислоҳотлар амалга оширилди ва бугунги кунда ушбу ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Бу ўз навбатида мазкур янгиликларга мос равишда терговга қадар текширув институтини такомиллаштириш, ушбу босқичда жиноят содир этган ёки жиноятдан жабр чеккан шахсларнинг хуқуқий мақомини белгилаш, ҳимоя хуқуқини тўлиқ таъминлаш, жиноят ишини қўзғатиш сабабларининг қонунийлиги ва асосларнинг етарлилигини текшириш лозим бўлган процессуал ҳаракатлар тизимини оптималлаштириш, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этишни ўзида акс эттирган ҳалқаро ҳамда ривожланган давлатлар қонунчилигининг ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, шунингдек терговга қадар текширув органлари фаолияти шаффоғлиги ва ошкоралигини таъминлаш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Узбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 320¹-моддасига асосан ишни судга қадар юритиш боқичи жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан бошланади ҳамда терговга қадар текширувни ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади. Терговга қадар текширув судга қадар иш юритишнинг муҳим боқичи ҳисобланади [1].

Терговга қадар текширув – ишни судга қадар юритишнинг алоҳида боқичи бўлиб, жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар бўйича далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан қонуний, асосланган ҳал қилув қарорини чиқаришга қаратилган процессуал ҳаракатлар кетма-кетлигидир.

Судга қадар иш юритишнинг ушбу боқичи аҳамияти шундаки, далилларнинг мустаҳкамлиги, процессуал ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши, иш юритишнинг асосий йўналиши терговга қадар текширув боқичига бевосита боғлиқдир. Сода қилиб айтганда мазкур боқич иш юритишнинг пойдевори ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасида жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, терговга қадар текширув муддатлари, ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар, якуни бўйича қабул

қилиниши мумкин бўлган қарорлар доираси белгиланган.

Жумладан, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олингандан сўнг қўйидаги муддатларда ҳал қилиниши лозим:

- ◆ дарҳол;
- ◆ ўн сутка (жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб қонунийлигини ва асослар етарли эканлигини текшириш зарурати бўлган тақдирда);
- ◆ бир ойгача.

Терговга қадар текширув муддати суриштирувчи, терговчи ёки терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг асослантирилган қарорига кўра прокурор томонидан қўйидаги ҳолатлардан бири мавжуд бўлган тақдирда бир ойгача узайтирилиши мумкин:

- 1) ўтказиш учун кўп вақт талаб қиласидиган экспертиза, хизмат текшируви, тафтиш ёки бошқа текширув тайинланган бўлса;
- 2) олис жойларда бўлган ёки чақирувга



биноан ҳозир бўлишдан бўйин товлаётган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш зарур бўлса;

3) янги ҳолатлар аниқланиб, уларни қўшимча тарзда текширмасдан туриб қарор қабул қилишнинг имкони бўлмаса.

4) етказилган моддий зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаш ва жиноят оқибатларини бартараф этиш учун Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида белгиланган муддат ўтмаган бўлса.

Терговга қадар текширув ўтказиша қўйидаги процессуал ҳаракатларни амалга оширишга рухсат этилади:

- ◆ қўшимча ҳужжатлар, тушунтиришлар талаб қилиб олиш;
- ◆ шахсни ушлаб туриш;
- ◆ шахсий тинтуб ва олиб қўйиш;
- ◆ ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш;

- ◆ экспертиза ўтказиш;
- ◆ тафтиш тайинлаш;
- ◆ тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириклар бериши.

Терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилинади.

Жиноят процессуал қонунчилигига асосан терговга қадар текширув натижасига кўра, қўйидаги қарорлардан бири қабул қилиниши белгиланган:

- 1) жиноят ишини қўзғатиш ҳақида;
- 2) ишни қўзғатишни рад қилиш ҳақида;
- 3) ариза ёки хабарни терговга тегишлилигига қараб юбориш ҳақида.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида ички ишлар органлари тергов бўлинмалари томонидан кўриб чиқилган жами терговга қадар текширув материаларининг 76 фоизи бўйича жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2,5 фоизи тегишлилиги бўйича юборилган ва 19 фоизи бўйича жиноят ишини қўзғатиш рад этилган.

Жиноят ишини қўзғатиш

рад этилган материаллар таҳлил этилганда 94 фоизи бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 83-моддаси ва 6 фоизи бўйича Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасига асосан қарор қабул қилинган. Шундан, 2,4 фоизи бўйича жиноят иши қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорлар бекор қилинган.

Мазкур қарорлар бекор қилинган ишларнинг 94 фоизи бўйича жиноят ишлари қўзғатилган.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, терговга қадар текширув жараёнида процессуал ҳаракатларни ўтказиш учун шахсларни чақириш, чақирувга биноан келмаганларни мажбурий келтириш имконияти мавжуд эмаслиги ушбу институтнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши билан бирга, мазкур босқичда терговга қадар текширув органлари мансабдор шахслари билан фуқаролар ўртасида айrim тушунмовчиллар ва фуқароларнинг норозиликлари юзага келмоқда.

Шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумkin бўлган тергов ва бошқа процессуал ҳаракатларнинг таҳлили қилмиш содир этилган ёки этилмаганлигини ва бу қилмишда жиноят таркиби бор-йўқлигини аниқлаш учун етарли эмаслигини кўрсатмоқда.

Терговга қадар текширув босқичида жуда кўп ҳолларда гувоҳлантириш, экспертиза текшируви учун намуналар олиш, мурдани экспумация қилиш, эксперимент, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш учун зарурат юзага келган.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят тўғрисидаги аризани (хабарни) терговга тегишлилигига қараб юбориш муддатлари белгиланмаганлиги терговга қадар текширув босқичида турли амалиётнинг шаклланишига, айrim ҳолларда фуқароларнинг



мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқилмаслигига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, мазкур институтни тўлиқ такомиллаштириш мақсадида жиноят процессуал қонунчилигига терговга қадар текширув босқичи билан боғлиқ моддаларни қайта ўрганиб чиқиб, бир-бирига зид бўлган нормаларни аниқлаш ва уларни ўзаро мувофиқлаштириш дозарб масала бўлиб қолмоқда.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодексининг 135-моддасига (Кўздан кечириш учун асослар) мувофиқ жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа



ҳолатларни аниқлаштириш мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, нарсалар ва ҳужжатларни кўздан кечириши белгиланган.

Бироқ, Жиноят-процессуал кодексининг 329-моддасига (Жиноята оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш тартиби) асосан терговга қадар текширув давомида кўздан кечиришнинг турларидан фақатгина ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш мумкинлиги, терговга қадар текширув вақтида бошқа тергов ҳаракатларини ўтказиш ман қилиниши белгиланган.

Бундан ташқари, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси томонидан ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш холислар иштирокида амалга оширилиши лозим.

Жиноят-процессуал кодексининг 73-моддасида холислар суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан тергов ёки бошқа ҳаракатлар ўтказилганини, уни ўтказиш жараёни ва натижаларини тасдиқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда чақирилиши кўрсатилган. Бироқ, холислар терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси томонидан чақирилиши кўрсатилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, суд-ҳуқуқ соҳасида терговга қадар текшируv институтини янада ислоҳ қилиш мақсадида жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш бўйича қуидаги таклифлар илгари сурлади:

– терговга қадар текшируvни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг ваколатларини кенгайтириш, хусусан иш бўйича мажбурий келтиришни амалга ошириш ваколатини бериш;

– терговга қадар текшируv давомида ўтказилиши мумкин бўлган тергов ва бошқа процессуал

ҳаракатларнинг доирасини кенгайтириш, жумладан гувоҳлантириш, экспертиза текширув учун намуналар олиш, мурдани эксгумация қилиш, эксперимент, нарса ва ҳужжатларни тақдим қилиш ва кўздан кечиришнинг бошқа турларини амалга ошириш бўйича тегишли қўшимчалар киритиш;

– ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилганлигини инобатга олиб, терговга қадар текшируv давомида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш билан боғлик нормаларни такомиллаштириш [2];

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сон Фармони билан тасдиқланган "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури"нинг 22-бандида терговга қадар текшируv ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текшируv жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш ҳуқуқини назарда тутувчи норма киритиш белгиланган. [3]

– терговга қадар текшируv иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш;

Маълумот учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони билан тасдиқланган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 35-бандида терговга қадар текшируv жараёнига жалб этилган шахсларнинг процессуал мақомини аниқлаштириш, ушбу шахслар гумон қилинувчи, жабрланувчи ва гувоҳ ҳуқуқ ва мажбуриятларидан фойдаланишини белгилаш назарда тутилган. [4]

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят – процессуал кодекси - <https://old.lex.uz/docs/111460#254605>;
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - <https://old.lex.uz/docs/6445145>;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида" 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сон Фармони - <https://old.lex.uz/docs/6461609>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида" 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармони - <https://old.lex.uz/docs/6396146>.





ЖИНОЯТДА ДАЛОЛАТЧИЛИК ҚИЛГАН ШАҲСНИНГ



Клара НАРМАНОВА,
Мирзо Улуғбек
тумани Ички ишлар
органлари фаолиятини
мувофиқлаштириш
бошқармаси
ҳузуридаги Тергов
бўлими катта
терговчиси, Ўзбекистон
Республикаси ИИВ
Академияси мустақил
изланувчиси
E-mail: narmanovaklara@
gmail.com
Тел: 998 88-479-07-10

ҚИЛМИШИНИ КВАЛИФИКАЦИЯ ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ. Мақолада иштирокчиликда содир этилган жиноятларда далолатчининг қилмишини квалификация қилишга оид илмий адабиётларда баён этилган фикр ва мулоҳазалар, мутахассисларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Суд-тергов амалиётида иштирокчиликда содир этилган жиноятларда далолатчининг қилмиши учун жавобгарлик белгилашда турлича ёндошувлар мавжудлиги аниқланган ва уларни бартараф қилишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, далолатчининг ҳуқуқий табиатига доир мутахассисларнинг фикрлари ўрганилган ва жавобгарлик доирасини белгилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР: жиноятда иштирокчилик, далолатчи, далолатчининг белгилари, жавобгарлик.



Далолатчи, иштирокчиликдаги жиноятларнинг содир этилишида ўзига хос белги ва вазифаларга эга бўлган шахс ҳисобланади. Унинг ижтимоий хавфилиги бошқа шахсларга салбий таъсир кўрсатган ҳолда уларда жиноят содир этиш ниятини ўйғотишда намоён бўлади. Одатда, далолатчининг ўзи доимо жиноятнинг бажарувчиси билан бевосита алоқага киришади ва унда жиноят содир этиш ҳоҳишини ўйғотиш учун унинг иродаси ва онгига таъсир ўtkазadi.

Қайд этиш керакки, далолатчининг қилмишига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш, жиноят-ҳуқуқий нуқтаи назардан унинг юридик табиати ва мазмунини тўлиқ очиб берилишига боғлиқ. Гарчи, амалдаги Жиноят кодексининг 28-моддаси 4-қисмига мувофиқ, "жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи", деб топилади. Кўриб турганимиздек, қонун чиқарувчи далолатчini ташкилотчидан фарқли ўлароқ турларга ажратмайди ва уни қандай усууллар билан амалга оширишига аниқлик киритмайди. Айни дамда, бу борада А.Отажонов, "Узбекистоннинг амалдаги жиноят қонунидаги далолатчиликка берилган таъриф, жиноятга далолат қилишнинг усууллари ҳамда уни иштирокчиликнинг бошқа турларидан фарқлашга хизмат қиласидиган белгиларини очиб бермайди", деб тўғри таъкидлаган.[62] Шу боисдан ҳам жиноятга далолат қилишнинг амалдаги таҳрири унинг юридик моҳиятини тўла ифода этмайди. Хусусан, буни ўтказилган тадқиқот натижалари ҳам тасдиқлайди. Чунончи,

респондентлардан "Сизнингча, амалдаги Жиноят кодекси жиноятга далолат қилишнинг мазмунини очиб берадими?", деб сўралганда уларнинг 82,7 фоизи "йўқ" деб жавоб беришган.

Бундан ташқари қонун чиқарувчи амалдаги жиноят қонунининг далолатчига берган таърифида қўллаган "жиноят содир этишга қизиқтириш" иборасининг ҳуқуқий маъноси изоҳламайди? Бу эса ушбу нормани шарҳлашда айрим тушунмовчиликларга олиб келади. Агарда, "жиноят содир этишга қизиқтириш" ибораси тўғридан-тўғри шарҳланса, у бошқа шахсада жиноят содир этишга қизиқиш ўйғотишни англатади. Бироқ, ушбу ибора мантиқан ва илмий жиҳатдан таҳлил қилинса, унинг бу каби мазмуни билан қамраб олинмайдиган бошқа ҳолатлари мавжудлигини ҳам кўриш мумкин. Чунки, жиноятга далолат қилиш, нафақат жиноят содир этишга қизиқтириш билан кифояланади, балки у бошқа шахсни жиноят содир этишга мажбурлаш ҳолатларида ҳам юз бериши мумкин.





8

на шуни айтиш керакки, далолатчани таърифлашда амалдаги Жиноят кодекси 28-моддаси 4-қисмининг рус ва ўзбек тилидаги матнлари ҳам бир-биридан фарқ қиласди. Хусусан, Жиноят кодексининг далолатчига берилган рус тилидаги матнида "склония" иборасидан фойдаланилган. У ўзбек-рус тиллари луғатларида "ундаш" деб таржима қилинади. Қонун чиқарувчининг бир ижтимоий муносабат мазмунини расмийлаштиришда турлича иборадан фойдаланилганлиги ҳам ўз навбатида далолатчикка оид жиноят қонунини нормасини амалда бир хилда тушуниш ва қўлланилишига салбий таъсир кўрсатади.

Шунингдек амалдаги жиноят қонуни жиноятга далолат қилишнинг айнан кимга нисбатан содир этилишига ҳам аниқлик киритмайди. Яъни, қонун мазмунига кўра, "жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи" бўлса, бунда "Далолатчи жиноят содир этилишига айнан кимни қизиқтириш керак? деган ўринли савол туғилиши табиий. Чунки, қонун нормасининг ифодаланган мазмунидан келиб чиқилса ва у тўғридан-тўғри шарҳланса жиноят содир этилишига қизиқтириш номаълум шахслар доирасига



Амалдаги жиноят қонуни жиноятга далолат қилишнинг айнан кимга нисбатан содир этилишига ҳам аниқлик киритмайди. Яъни, қонун мазмунига кўра, "жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи" бўлса, бунда "Далолатчи жиноят содир этилишига айнан кимни қизиқтириш керак? деган ўринли савол туғилиши табиий.

нисбатан ҳам амалга оширилиши чекламайди. Ваҳоланки, жиноят содир этилишига ундаш номаълум шахслар доирасига нисбатан амалга оширилган тақдирда, бу каби қилмишлар, далолатчиликни ташкил қилмайди.

Далолатчилик учун жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс ҳар доим бошқа шахс бўлиши керак. Бунда ушбу шахс ким эканлиги ва унинг жиноят содир этишдаги функциясини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Бу шахс ақлирасо жавобгарлик ёшига етган далолатчи учун аниқ бўлган жисмоний шахс бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам жиноят содир этишига ундаш номаълум шахслар доирасига қаратилган тарғибот ёки ташвиқот усулларида намоён бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳолат жиноят қонунчилигига белгиланган тартибда жиноий жавобгарликка тортиш учун асослар бўлгандা, яъни Жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликни келтирб чиқариши мумкин (ЖК 159, 2161-м.).

Демак жиноят содир этилишига оммавий чақириқлар жиноятга далолат қилиш сифатида квалификация қилинмайди. Бирорқ, жиноятга далолат қилингачётган шахс битта бўлиши шарт эмас, балки улар бир нечта шахслар бўлиши мумкин. Фақат бунда асосийси, далолатчидан ушбу шахсларнинг айнан ҳар бирида жиноят содир этиш қарорини қўзғатиш мақсади бўлиши керак.

Шу ўринда айтиш керакки, суд амалиётида жиноятга далолат қилиш турли усулларда содир этилади. Хусусан, у ҳақ эвазига оғдириб олиш, қўрқитиш, алдаш, илтинос қилиш, гиж-гижлаш, зўрлик ишлатиш, қизиқтириш ва бошқаларда намоён бўлади. Аммо, мантиқан уларнинг барчасини





қонунчилик нуқтаи назаридан бир нормада умумлаштириш мураккаб ҳисобланади. Бироқ, жиноятга далолат қилиш фаолият ҳақида кенгрок тушунчага эга бўлиш ва унинг юридик моҳиятини тўғри тушуниш учун уларга аниқлик киритиш зарур. Негаки, мазкур ҳолат жиноятга далолат қилиш фаолиятига қарши кураш самарадорлигини ошириш ҳамда иштирокчиликнинг бошқа турларидан фарқлашга имкон беради. Шундай экан, жиноятга далолат қилишнинг объектив томони жиноят содир этишга ундашга қаратилган ҳаракатларда ифодаланади. Демак, далолатчи бошқа шахсда жиноят содир этиш истагини қўзғатади. Шунинг учун ҳам далолатчининг жиноят

содир этишга бўлган хулқ-атвори ҳар доим аниқ ва муайян мақсадга йўналтирилган бўлади.

Объектив томон белгиларига кўра, жиноятга далолат қилиш кўпроқ ташкилотчига ўхшайди. Шунинг учун далолатчани ташкилотчидан фарқлашда, одатда ташкилотчинг жиноят содир этишга ундашан шахснинг келгусидаги хулқ-атворини ҳам мувофиқлаштириб, назорат қилиб туришга қаратилган ҳаракати инобатга олинади. Далолатчинг асосий мақсади жиноятнинг бошқа иштирокчилари онгида жиноят содир этишга бўлган қатъий қароргакелиш истагини қўзғатишда ифодаланади. Бундан холоса қилиш мумкинки, далолатчи фақат бошқа шахсни жиноят содир этишга ундаш, унинг жиноят содир этишдаги кейинги фаолиятини бошқармайди. Ушбу белгиси билан далолатчи ташкилотчиidan фарқ қиласди. Бундан ташқари, далолатчи ва ақлий ёрдамчи белгиларини фарқлаш мураккаб масалалардан бири сифатида намоён бўлади. Улар ўртасидаги фарқ шунда ифодаланадики, яъни далолатчи бошқа шахсни жиноят содир этишга ундаиди (бошқа шахсда жиноят содир этиш ҳис-туйғусини уйғотади), ақлий ёрдамчи эса ўз маслаҳатлари билан бошқа шахснинг жиноят содир этишини енгиллаштириш учун йўл-йўриқ кўрсатиш орқали ёрдам беради. Мантиқан олиб қаралганда, далолатчининг бошқа шахснинг жиноят содир этиши учун ундашга қаратилган ҳаракати жиноят содир этишга ундалган шахс томонидан жиноят содир этишни бошлагунига қадар тўхтатилади. Ақлий ёрдамчининг қилмиши эса бажарувчи томонидан жиноий қилмиш бошланганидан сўнг ҳам давом этади. Шу сабабли далолатчи бажарувчига нисбатан унда жиноят содир этиш хоҳиши пайдо бўлгунга қадар таъсир кўрсатади, ақлий ёрдамчи эса унда жиноят содир этиш қасди пайдо бўлгандан кейин таъсир ўтказади [С. 138]. Шунинг учун шахснинг жиноят содир этишни бошлаганидан сўнг, унда жиноятга далолат қилишга ўрин қолмайди.

Мухтасар айтганда, далолатчининг қилмишини квалификация қилиш учта ҳолатга асосланади: 1) ундаш; 2) бошқа шахс ва 3) жиноят содир этиш. Улар дололатчикнинг юридик табииати учун тенг даражада мажбурий





Суд амалиёти далолатчи сифатида одатда, ў ҳаракатлари билан бошқа шахсда қонунга хилоф бирон-бир ҳаракатларни содир этишни эмас, балки бошқа шахсда далолатчининг жиноий нияти билан қамраб олинган аниқ жиноятни содир этиш ниятини уйғотиш ёки бундай қарорни мустаҳкамлашга интилаётган шахс сифатида қаралади.

Хисобланади ёки улар далолатчилик мазмунидагы мүқобилсиз акс этирилади.

Ундаш бошқа шахснинг жиноят содир этиш бўйича қарорга келишига ишонтиришни англатади. Шунинг учун ҳам жиноятни содир этиш эҳтимоли ҳақида шунчаки ишора қилиувчи кўрсатмаларнинг берилиши далолатчиликни ташкил этмайди. Шу боисдан ҳам бу борада, А.П. Козловнинг «ундаш», шахсда муайян жиноий қилмишни бажаришга ишонтириш ёки мажбурлашни англатади»деган фикрига қўшилиш мумкин. [127]

Бугунги кунда, назарияда жиноят содир этишга ундашнинг янада аниқроқ таърифини топишга ҳаракатлар мавжуд. Масалан, тадқиқотчилар мазкур иборани бошқа шахсда жиноят содир этиш қарорини уйғотиш қўзғатиш [76] жиноят содир этиш ташаббусини илгари суриш [234] каби мазмунда тушуниш лозимлигини илгари сурадилар.

Шу билан бирга, В.И. Ивановнинг жиноят содир этишга бўлган қарорни қўзғатиш фақат «ижтимоий хавфли қилмишни содир

етишни олдиндан мақсад қилмаган шахсга нисбатан қаратилган бўлиши кераклигини таъкидлайди [428]. Ҳолбуки, олдиндан жиноят содир этиш нияти бор бўлган, жиноят содир қарорига келган шахсга нисбатан бундай ҳаракатларнинг амалга ошириш далолатчиликни келтириб чиқармайди.

Суд амалиёти далолатчи сифатида одатда, ўз ҳаракатлари билан бошқа шахсда қонунга хилоф бирон-бир ҳаракатларни содир этишни эмас, балки бошқа шахсда далолатчининг жиноий нияти билан қамраб олинган аниқ жиноятни содир этиш ниятини уйғотиш ёки бундай қарорни мустаҳкамлашга интилаётган шахс сифатида қаралади.

Айтиш керакки, жиноят содир этишга ундаш ҳаракатлари, бу ҳали муайян жиноятни содир этишга нисбатан таклифни, ҳоҳишни, жиноий режани билдиради холос. Бу айни дамда жиноятнинг содир этилганлигини англатмайди. Бунда жиноят содир этишга далолат қилинаётган шахс бу таклиф ёки жиноий режани амалга ошириш қарорига келиш ёки келмаслиги борасида иккиланиши мумкин. Шунинг учун ҳам мазкур ҳолатда жиноятга ундаланаётган шахснинг жиноятни содир этишга нисбатан қатъий қарорга келганлиги далолатчилик қилмишини квалификация қилинишида муҳим роль ўйнайди.

Жиноят содир этишга бўлган шахснинг қатъиати жиноятга ундаланаётган шахснинг бундай қарорни қабул қилиш ва уни амалга оширишга тайёрлигини англатади. Шу боисдан, жиноят содир этишга ундашдеганда, бошқа шахсда айнан жиноят



Жиноят содир этишга ундаш ҳаракатлари, бу ҳали муайян жиноятни содир этишга нисбатан таклифни, ҳоҳишни, жиноий режани билдиради холос. Бу айни дамда жиноятнинг содир этилганлигини англатмайди. Бунда жиноят содир этишга далолат қилинаётган шахс бу таклиф ёки жиноий режани амалга ошириш қарорига келиш ёки келмаслиги борасида иккиланиши мумкин.



содир этишга бўлган қарорни қўзғатилишини тушуниш керак. Бу қўзғатиш албатта жиноят қонуни билан қўриқланадиган обьектларга нисбатан зарар етказишга қаратилган бўлиши шарт. Шу ўринда яна савол туғилади, яъни далолатчи, узига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, бошқа шахсни жиноят содир этишга ундан олмаса, унинг қилмишини қандай квалификация қилиш керак? Бунда далолатчига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар сифатида, жиноятга ундалган шахснинг вафот этиши, оғир касалга чалиниб, жиноят содир этишнинг жисмоний имкониятини йўқотиши, руҳий ҳолатининг бузилиши, жиноят содир этишнинг рад қилиниши, енгид бўлмас куч оқибатида жиноятнинг содир этилмаслиги кабиларни бўлиши мумкин. Бироқ, афсуски, мазкур масалага амалдаги жиноят қонунида аниқ ҳуқуқий ечим берилмаган. Зоро, бажарувчи да-лолат қилинган жиноятнинг обьектив томонини тўлиқ бажарганда далолатчилик тугалланган ҳисобаланади. [С. 134.]

Шунингдек, жиноят да-лолат қилинган шахс ўзига боғлиқ ҳолатларга кўра, ундалган жиноятни охирига етказа олмаган ҳолатларда ҳам далолатчилик рўй беради.

Холбуки, жиноят амалга ошмаган ҳолатда далолатчининг жавобгарлигини белгилаш масаласи юридик адабиётларда турлича ҳал қилинади. Масалан, айрим муаллифлар жиноят содир этилишида далолатчининг қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра амалга ошмаганида, далолатчининг жавобгарлиги бажарувчининг жавобгарлигига боғлиқ ҳолда кўриб чиқилиши зарурлигини таъкидлайдилар. [94] Айни вақтда, бошқа муаллифлар иштирокчилик амалга ошмаса далолатчининг жавобгарлиги жиноятга далолат қилишга суюқасд орқали келиб чиқишини таъкидлай-




Шахсни жиноят содир этишга ундаш учун Интернет тармоғидан фойдаланган бўлса, бундай қилмишга ҳуқуқий баҳо бериш муайян даражада мураккабликни келтириб чиқаради. Чунки, жиноят содир этишга ундаш учун бундай усусланғанда, жиноят содир этишга ундалиниётган шахс далолатчи тўғрисида ёки бошқа маълумотларга эга бўлмайди.

ди. [182] Бошқа муаллифларнинг фикрича, амалга ошмаган иштирокчиликда ҳар бир айбдор ўз айби билан қамраб олинган жиноят бўйича жавобгарликка тортилиши, шу боис бажарувчи келишилган жиноятни ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра содир этмаса ёки охирига етказмаган бўлса, қолган иштирокчилар жиноятга тайёргарлик қўрганлик ёки суюқасд қилганлик учун жавобгарликка тортиладилар. Жумладан, А.С. Якубов, амалга ошмаган иштирокчилик ҳолатида ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг хатти-ҳаракатини жиноятга тайёргарлик қўриш ёки суюқасд қилиш сифатида баҳолаб, Жиноят кодекси 25-моддасининг биринчи ёки иккинчи қисмiga биноан ҳамда Жиноят кодекси Махсус қисмининг содир этилмай қолган қилмиш учун жавобгарликни назарда тутувчи моддасига мувофиқ квалификация қилиш зарурлигини ёзди. [Б. 243-245.] Биз ҳам ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда Жиноят кодекси 30-моддасида қўйидаги мазмундаги норма билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

Иштирокчиликда содир этиладиган жиноят бажарувчига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра, тугалланмаган бўлса, қолган иштирокчилар бажарувчининг қасддан қилинадиган жинояти қайси босқичда тўхтаганлигидан келиб чиқиб, иштирокчиликда содир этилиши қўзланган жиноятга тайёргарлик қўриш ёки суюқасд қилганликда жавобгар бўлади.

Агар ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчининг қилмиши уларга боғлиқ бўлмаган ҳолатга кўра амалга ошмаса, улар иштирокчиликда содир этилиши қўзланган жиноятга тайёргарлик қўриш учун жавобгарликка тортилади.





бизнингча, гипноз ва ақл-идрокка таъсир этувчи турли препарат ҳамда бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда жиноят содир этишга ундаш ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳам ушбу мезонлар инобатга олиниши зарур. Аммо, шахсни жиноят содир этишга ундаш учун Интернет тармоғидан фойдаланган бўлса, бундай қилимиш ҳуқуқий баҳо бериш муайян даражада мураккабликни келтириб чиқаради.

Яна шуни таъкидлаш керакки, шахсни жиноят содир этишга ундаш учун гипноз ёки зўрлик ишлатиш усуллари, ақл-идрокка таъсир этувчи турли препарат ва воситалар ҳамда Интернет тармоқлариidan фойдаланилган бўлса, бундай ҳолда шахснинг қилимиши ҳуқуқий жиҳатдан қандай баҳоланади? Бундай шахс далолатчи бўладими ёки бундай қилимish иштирокчиликни ташкил этадими ёки йўқ? деган ўринилси саволлар туғилади. Мазкур масалаларни ҳал қилиш учун авваламбор иштирокчиликнинг объектив ва субъектив белгилари ҳамда жиноят ҳуқуқининг бошқа институтларини ҳам инобатга олиш зарур. Масалан, далолатчнинг мажбурлов тарзида жиноятга ундаши бажарувчи ёки бошқа иштирокчиларда охирги зарурат ҳолатини келтириб чиқармаса ва жиноят содир этишга ундалинаётган шахс ўз қилишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаса ҳамда ўз ҳаракатларини бошқара олиш имкониятларига эга бўлса, у иштирокчиликни келтириб чиқаради. Акс ҳолда, бундай қилимish иштирокчиликни ташкил этмайди. Шунга кўра, бизнингча, гипноз ва ақл-идрокка таъсир этувчи турли препарат ҳамда бошқа воситалардан фойдаланган ҳолда жиноят содир этишга ундаш ҳолатига ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳам ушбу мезонлар инобатга олиниши зарур. Аммо, шахсни жиноят содир этишга ундаш учун Интернет тармоғидан фойдаланган бўлса, бундай қилимиш ҳуқуқий баҳо бериш муайян даражада мураккабликни келтириб чиқаради. Чунки, жиноят содир этишга ундаш учун бундай


усулдан фойдаланганда, жиноят содир этишга ундалинаётган шахс далолатчи тўғрисида ёки бошқа маълумотларга эга бўлмайди.

Биз кўриб чиқаётган масала юзасидан яна бир масаланинг кўриб чиқилиши муҳим ҳисобланади. Жиноят кодекси Махсус қисмининг 127-моддаси З-қисмидаги вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш учун жавобгарлик белгиланган. Бунда А.А. Отажоновнинг ёзичи, жалб қилиш деганда, вояга етган шахс томонидан вояга етмаган шахсни жиноят ёки ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишга ундашга қаратилган ҳар қандай қасддан қилинган ҳаракатлар тушунлади. Вояга етмаган шахсларни жиноят қилишга жалб қилиш алдаш, қўрқитиш, зўрлик ишлатиш кабилар усулларда содир этилиши мумкин. Мазкур ҳолатга Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сонли «Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 7-бандида “Судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жинойи жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилсаю, унинг вояга



етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўл-
маса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий
жавобгарликка тортиш мумкин эмас”, деб тушун-
тириш берилади. Бундан келиб чиқадики, вояга
етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш факти фақат
ЖК 127-моддаси билан мустақил жиноят таркиби
сифатида квалификация қилиниши тушунилади.
Бироқ назаримизда жалб қилиш, яъни вояга етма-
ган шахсни жиноятга жалб қилиш жиноятга далолат
қилинишининг бир кўриниши ҳисобланади. Агарда
вояга етмаган шахс жалб қилинган жинояти бўйича
жавобгарлик ёшига тўлган бўлса, жиноятга жалб
қилган шахснинг ҳаракатлари ЖК 127-моддаси
3-қисми билан бирга, жалб қилинган жиноятнинг
иштирокчилик учун жавобгарлик белгиланган
тегишли қисмига ЖК 28-моддаси 4-қисмига ҳавола
қилинган ҳолда квалификация қилиниши керак.

Хулоса қилганда, тергов ва суд амалиёти эҳти-
ёжлари ҳамда қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ ва
камчиликларни бартараф қилиш мақсадида, Жи-
ноят кодексининг 28-моддаси тўртинчи қисмини
қўйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ
бўлади: ҳақ эвазига оғдириб олиш, зўрлик ишлатиши
 билан қўрқитиш, мажбураш, алдаш, келишиш ёки
 бошқа усуслар билан жиноятнинг бошқа иштирок-
чиларини жиноят содир этилишига ундан шахс
далолатчи деб топилади.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Otajonov A. A. Legal analysis of signs participation in the crime //Право и жизнь. – 2019. – №. 1. – С. 62.
2. Отажонов А.А. Уголовно-правовая характеристика подстрекательства по уголовному законодательству Республики Узбекистан //Вестник Московского университета МВД России. – 2015. – №. 10. – С. 138.
3. Козлов А. П. Соучастие: традиции и реальность. СПб.: Издательство «Юридический центр Пресс», 2001. – С. 127.
4. Зацепин А. М. Дополнительная квалификация преступления: общие и специальные вопросы: монография. – М.: Проспект, 2016. – С.251.
5. Павлухин А. Н., Рыжов Р. С., Ериашвили Н. Д. Виды и ответственность соучастников преступления: Монография. Под ред. А. Н. Павлухина. – М.: ЮНИ-ТИ-ДАНА; Закон и право, 2007. – С. 76.
6. Энциклопедия уголовного права: Соучастие в преступлении. Т. 6 / Аветисян С. С., Галактионов Е. А., Галиакбаров Р. Р., Ермакова Л. Д., и др. – С.-Пб.: Изд. профессора Малинина, 2007. – С. 234.
7. Иванов В.И. Подстрекательство к преступлению: терминологический и квалифицированный аспекты // Вопросы российского и международного права. – 2022. – Том 12. – № 9А. – С. 428.
8. Саблина М.А. Подстрекательство: терминологический и квалификационный аспекты // Право. Журнал Высшей школы экономики. – 2016. – № 4. – С. 134.
9. Безбородов Д. А. Принципы уголовной ответственности за совместное совершение преступления. Криминалист. – 2013. – № 2 (13). – С. 94.
10. Бегимбетов А.П. Проблемы квалификации деяний подстрекателя // Вестник Института законодательства и правовой информации Республики Казахстан. – 2007. – № 1 (5). – С. 182.
11. Бердиев Ш. Жиноят қонунларининг либераллаштирилиши жараёнида жиноий жавобгарликдан озод қилишни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. д-ри дис. ... – Тошкент, 2011. – Б. 246
12. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм / А.С. Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. – Б. 243-245.
13. ОтажоновА.А. Шахсга қарши жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент давлат юридик университети, 2023. – Б. 232.



3

ЭЛЕКТРОН МАБЛАГЛАРНИ ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШИШ: СИНГАПУР ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА

Combating to theft of electronic money:
on the example of the Singapore experiment

Мухсинжон СУЛТОНОВ,
Ички ишлар вазирилиги Тезкор-
қидируд департаменти
Киберхавфсизлик маркази
бошлигининг ўринбосари

Muxsinjon SULTONOV,
*Deputy Head of the Cybersecurity
Center of the Operational-
Investigation Department of the
Ministry of Internal Affairs*





АННОТАЦИЯ. Мақолада электрон пул маблағларини талон-торож қилиш билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишда кузатилаётган муаммолар, манфаатдор идоралар билан бу соҳадаги чора-тадбирларни ташкиллаштириш масалалари баён қилинган. Шунингдек, ушбу турдаги жиноятларга қарши курашишда илғор тажрибага эга Сингапур давлати томонидан амалга оширилаётган комплекс тадбирлар, уларни мамлакатимизда ҳам татбиқ этиш истиқболлари юзасидан таклиф ва тавсиялар кўрсатилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Киберфирибгарлик, Anti-spam center, "Call-марказ", фишинг, инвестиция фирибгарлиги, севги фирибгарлиги, "IPIFICATION", Face ID, Сингапур "Рақамли мудофа" концепцияси.

ANNOTATION. The article describes the problems observed in the fight against the crimes related to the robbery of electronic funds, the issues of organizing measures in this field with other agencies. Also, proposals and recommendations regarding the prospects of their implementation in our country, as well as the comprehensive measures implemented by the state of Singapore, which has advanced experience in combating this type of crime, are presented.

KEY WORDS: Cyberfraud, Anti-spam center, call-center, phishing, investment fraud, love fraud, IPIFICATION, Face ID, "Digital defense" concept of Singapore.

Бугунги кунда рақамлаштириш жараёнларининг ривожланиши фонида жамиятга замонавий технологияларнинг жорий этилиши қонунбузар томонидан ҳам жиноятлар содир этилишида ахборот технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Дунёда интернет фойдаланувчилари сони қарийб 200 миллионга ортган ва ҳозирда 63 % и дунё ахолиси интернетдан фойдаланади. Уларнинг асосий қисми (92,4 %) интернетга мобил қурилмалар ёрдамида киради. Юртимиздаги 27 миллион интернет фойдаланувчиларининг 25 миллиондан кўпроғи мобил интернет тармоғидан фойдаланиб келади[1].

Маълумотларга кўра, ҳар йили дунё бўйлаб барча интернет фойдаланувчиларига нисбатан 500 миллиондан ортиқ киберхужумлар уюштирилади. Бу ўз навбатида, ҳар сонияда дунёдаги 12 нафар инсонлардан бири кибормаконда содир этилган жиноят қурбони бўлишидан далолат бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда сўнгги уч йилда кибержиноятлар 8,3 бараварга кўпайиб, умумий жиноятчиликнинг 5 фоизини ташкил этмоқда. Масалан, кибормаконда фирибгарлик билан боғлиқ ҳолатлар 19 бараварга, ўғрилик 26 бараварга, товламачилик, тұхмат ва ҳақорат қилиш билан боғлиқ жиноятлар эса 4,9 бараварга ортган[2].

Тадқиқотчилар томонидан олиб борилган таҳлил натижаларига кўра, сўнгги вақтларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар - кибержиноят сифатида баҳоланиб, ноқонуний банк-молия операциялари орқали пластик картадаги маблағларини ўзлаштириш, ўзганинг ишончига кириб, унинг номига онлайн микроқарз олиш, молиявий пирамidalар ташкил қилиш, вирусли дастурлар орқали компьютерларга хужум уюштириш, ўзгаларнинг шахсий маълумотларини тарқатиш орқали қўрқитиш йўли билан товламачилик қилиш, онлайн савдо платформаларида фирибгарлик каби бир нечта турларни ўз ичига қамраб олмоқда.





Жумладан, мазкур турдаги жиноятларнинг предмети асосан банк карталари (74,5%), интернет жаҳон ахборот тармоқлари (10%), биржада трейдинг хизматлари (6,3%), банк ҳисоб рақамлар (3,7%), электрон ҳамён ва криптовалюта (4,2%) ҳамда телекоммуникацион каналлар (1,3%) бўлиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг банк карталари орқали содир этилаётган жиноятлар салмоғи анча юқори эканлигини кўриш мумкин[3].

Как правило, хакеры-профи имеют узкую специализацию. Среди них можно выделить кибертеррористов (их специализация – киберсаботаж путем блокирования компьютерной информации DDoS-атаками в отношении правительственные структур, специальных служб и организаций), крэкеров (специализируются на обходе систем защиты прикладного ПО для предоставления возможности безвозвратного его использования неопределенному кругу лиц), фрикеров (специализируются на получении неправомерного доступа к системам защиты охранных систем), вирусмейкеров (создают вредоносные компьютерные программы или информацию). Существенно различается и мотивация преступной деятельности: при преобладании корыстного мотива у всех специализаций он может сочетаться узконаправленными





задачами – разработками различных программных продуктов. При этом об истинной цели подобной работы они могут быть и не проинформированы. Исходя из вышеизложенного, рассмотренные нами материалы демонстрируют наличие

корреляционных связей между личностью преступника, уровнем его навыков в сфере информационных технологий, с одной стороны, и иными обстоятельствами, подлежащими доказыванию, в первую очередь – способом, с другой.

ИКТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

1. Gajfutdinov R. R. K voprosu o tipologii lichnosti kompyuternyh prestupnikov s uchetom haraktera i motivacii ih kriminalnoj deyatelnosti // Voprosy rossijskogo i mezhdunarodnogo prava. – 2017. – T. 7. – No 4A. – S. 245–256.
2. Глазатова С. В., Бурцева Е. В., Медведева С. В. Киберпреступления, совершаемые несовершеннолетними: проблемы расследования // Российский следователь. – 2021. – № 2. – С. 7–10.
3. Dubyagina O. P. Kriminologicheskaya harakteristika norm, obychaev i sredstv kommunikacii kriminalnoj sredy: avtoref. dis. ... kand. yurid. nauk. – M., 2008. – 26 s.
4. Маслакова Е. А. Незаконный оборот вредоносных компьютерных программ: уголовно-правовые и криминологические аспекты : дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2008. – 198 с.
5. Халиуллин А. И. Хакер как правонарушитель в современных уголовно-правовых исследованиях //
6. Степанов-Егиянц В. Г. Ответственность за преступления против компьютерной информации по уголовному законодательству Российской Федерации. – М. : Статут, 2016. – 190 с.
7. Maimon D., Lounderback E. R. Cyber-Dependent Crimes: an Interdisciplinary Review // The Annual Review of Criminology. – 2018. – 12:37. – P. 16.5.
8. Holt T. J., Bossler A. M., Seigfried-Spellar K. C. Cybercrime and Digital Forensics. Introduction. – Second Edition. – Abingdon, Oxon : Routledge, 2018. – P. 102–103.
9. McAfee, CSIS Report: Economic Impact of Cybercrime – No slowing down. 2018 ; Check Point Research Security Report 2019. Volume 01. Cyber Attack Trends Analysis: Key Insights to Gear Up for in 2019.



ТРАНСПЛАНТАЦИЯ

ОЛИШ ЁКИ БЕРИШНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ МУАММОСИ.
Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси мисолида

THE PROBLEM
OF LEGALITY OF
TRANSPLANTATION,
RECEIVING OR GIVING.
IN THE CASE OF THE
REPUBLIC OF BELARUS
AND THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN

Шукуруллахон
ФАЙЗУЛЛАХОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Тезкор-қидирив департаменти
Жиноят қидирив хизмати
Юшган жиноятычиликка
қарши курашии бошқармаси
Одам савдосига қарши
курашии бўлими Комиссиялар
фаолиятини мувофиқлаштириши
бўлинмаси бош мутахассиси

Shukurullakhon
FAYZULLAKHONOV,
*Chief specialist of the Department
of Coordination of Commissions,
Department of Combating
Human Trafficking, Department
of Combating Organized Crime,
Criminal Investigation Service,
Ministry of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan*





АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси тушунчаси, мазкур жарроҳлик амалиётини ўтказишга зарурат ҳамда ўтказиш шартлари, ноёнуний трансплантация билан шуғулланишга имкон берган ҳолатлар, бу борада Беларусь Республикаси ҳамда Узбекистон Республикаси норматив-хуқуқий ҳужжатлари солиштирмаси ҳамда бу борадаги фаолиятни такомилластириш ҳакида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

КАЛИТ СЎЗЛАР: трансплантация, одам савдоси, инсон аъзолари ва тўқималари, инсон аъзолари ва тўқималари трансплантацияси борасидаги қонунчилик

ABSTRACT: In this article, the concept of transplantation of human organs and tissues, the need to carry out this surgery and the conditions for carrying it out, the circumstances that made it possible to engage in illegal transplantation, a comparison of the normative legal documents of the Republic of Belarus and the Republic of Uzbekistan in this regard, and opinions on the improvement of activities in this regard are given.

KEY WORDS: transplantation, human trafficking, human organs and tissues, legislation on organ and tissue transplantation.

Узбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият хисобланади[1]”, деб аниқ кўрсатиб ўтилган. Лекин, шундай вазиятлар бўладики, инсон аъзолари ёки тўқималарининг бошқа инсонга трансплантация қилиш ҳаётни сақлаб қолиш ва инсон саломатлигини тиклашнинг ягона усули бўлиб қолади. Бундай вазиятда давлат конституциявий кафолатларни турли ҳуқуқий механизmlар орқали химоя қилинишини таъминлайди.

Нофаол одам бош суяги феномени – Мия ўлимнинг диагностик мезонларидан биридир. 1959 йилда Француз неврологлари бир неча беморларда тиббий кузатувлар олиб боришиди. Мазкур беморларнинг миясида бирон ўзгариш бўлмасада, уларнинг юраклари ўз-ўзидан ишлаш ҳолатлари давом этарди. Орадан 10 йил ўтгач, шу турдаги беморларга бош миянинг ўлими ташхиси қўйила бошланади. Айни шу вақтдан бошлаб, бош мия фаолиятининг тўхташи, мураккаб одам организми тўхташи, яъни ўлимнинг юзага келиши сифатида баҳолана бошланади. Инсон ўз ўлими каби ҳеч нарсага бу қадар ишонч ҳосил қила олмайди.

Камдан-кам одамлар умрларидан бир куни ҳаётларининг якуни булиши ҳақида ўйлайди. Кўпчилик эса, ўлимидан сўнг ҳам бошқа одамларга ёрдам бера олишини ўйлаб ҳам кўрмайди. Мазкур савол аксарият одамларни саросимага солиб қўйиши, турган гап. 2017 йилда Россияда ўтказилган ижтимоий сўровлар натижасига кўра, респондентларнинг 75 фоизи трансплантация муаммоси ҳақида оиласарида сўзлашибаслигини маълум қилишган. Улар шу саволга дуч келганларида, аввалига қандай жавоб беришларини билмасдан, бироз каловланиб қолишган.

Бу соҳа билан ишламаган одамлар билан гаплашганда, улардан ишончсиз, айримда эса ҳатто тажовузкор руҳдаги жавобларни, фикрларни эшитишимиш мумкин. Албатта, ҳар қандай инсон ўзини ўзгартиргандан кўра, бошқалардан айб топиши осонроқдир, лекин дунёда шундай ташкилотлар борки, у ерда ҳар куни бир қанча одамларнинг ҳаёти сақлаб қолинади. Кўпчиликнинг ўйлашича, шифокорлар одамлар аъзоларини олиш учун тезроқ ўлишларини кутишади. Албатта, бу ҳақиқат эмас. Шифокорлар ҳар бир бемор соғлиғи учун бор куч ва салоҳиятларини қўллаган ҳолда курашади, лекин ўлиб бўлган организмни қайта тирилтиришни имкони йўқ.

Қонун бу ҳолатда нима деди?! Турли давлатларда инсон аъзоси ва тўқималари трансплантацияси масаласини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатлари турлича. Масалан, Белорусияда “Розилик презумпцияси” тушунчаси бор. Бунга асосан, тириклик даврида ўз тана аъзолари ва тўқималаридан фойдаланишга норозилик билдиримаган ҳар бир шахс, ўлимидан сўнг донорга айланади[2].

Ўзбекистон Республикасида эса бу ҳолат аксинча, яъни инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини унинг



мурдасидан олишга унинг тириклиқ қоғидаги нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади[3].

Бу икки нормани турли жиҳатдан солиштириш мумкин. Масалан, Беларусь давлатининг қонуни реципиент (ўзига нисбатан инсон аъзосининг ва (ёки) тўқимасининг трансплантацияси бажариладиган инсон)нинг[4] манфаатларини ҳимоя қиласа, Ўзбекистон Республикасининг бу борадаги нормаси донор бўлиш истагини билдиrmаган ҳеч бир шахснинг аъзолари ва тўқималарига, ҳатто унинг ўлимидан сўнг ҳам йўл қўйилмаслигини кафолатлади.

Бошқа давлатларда эса мурда аъзолари ва тўқималаридан трансплантация учун олиш бошқа тартибда амалга оширилади. Масалан, Тожикистон Республикасида мазкур вазиятда мурданинг яқинлари ва оила аъзоларининг розилиги етарли ҳисобланади. Ҳар бир давлат, мазкур масалани турлича ҳал этган.

Шундай бўлсада, ҳамма ҳам тириклиқ вақтида ҳам, вафот этганидан сўнг ҳам донорга осонликча айланиб қолмайди. Бунинг учун ушбу шахс ёши, соғлигининг даражаси, юқумли ва ирсий касалликлари бор-йўқлиги сингари бошқа тиббий ўрганишлардан ўтиши керак. Белосурияда вафот этганларнинг беш юздадан биттаси донорга айланиши мумкин.

Ўлимидан сўнг донорга айланишга розилик бермаган (қаршилигини рўйхатдан ўtkazgan) шахс, тириклиқ вақтида ўзи ҳам бошқа бир одам аъзоси ёки тўқимасига реципиент[5] бўлиб қолиши мумкин.

Ўлимидан сўнг донорга айланишга розилик бермаган (қаршилигини рўйхатдан ўtkazgan) шахс, тириклиқ вақтида ўзи ҳам бошқа бир одам аъзоси ёки тўқимасига реципиент[5] бўлиб қолиши мумкин.
Мантиқан, ушбу шахс бирорвга ўзининг органини беришга қарши бўлганида, унинг ўзига ҳам донор бўлмаслиги мумкин, лекин фозил одамлар жамиятида, бундай муҳтож донорсиз қолдирилмаслигига имкон қадар ҳаракат қилинади. Бу борада айтиш керакки, трансплантацияга муҳтож бўлиш хавфи донор бўлиш ёхтимолидан анча юқоридир.

Англаш керакки, донор сифатида ўз органи ёки тўқимасидан бошқа инсонга улашган одамнинг ҳаёти ўлимидан сўнг ҳам маълум маънода давом этади.

Бир мисол, бу ҳолат чет давлатлар матбуотида кенг ёритилгани сабабли, тиббиёт сирини ошкор қилиш ҳисобланмайди. Ўз ўғлининг 16 ёшга тўлиши муносабати билан ўtkazilaётган тадбирда, байрам таоми сифатида яқиндагина ўрмонда териб олинган қўзиқоринлар пишириб, дастурхонга тортилади. Оиланинг барча аъзолари қўзиқориндан заҳарланади. Энг заарли бўлган қўзиқорин (бледная поганка ёки мухомор зеленый)ни оиланинг ўғли еган эди. Унда ўткир жигар етишмовчилиги ҳалокатли оғирлашиб боради. Агар бу вақтда (Белоруссияда) трансплантология соҳаси шакллантирилмаганида, йигит оламдан ўтган бўлиши мумкин эди (албатта, ҳаммаси Аллоҳдан). Оиланинг омадига йигитчага ўлган донордан муваффақиятли равишда жигар трансплантацияси операцияси ўtkaziladi. Орадан саккиз йил ўтиб, ушбу йигитча паролимпия ўйинларида



иштирок учун тайёргарлик кўришни бошлиди.

Йигит билан ўтказилган интервьюда, у ўзига донорлик қилган (марҳум) инсон ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлмоқчи эканини айтганида, унга бундай қилиш керак эмаслигини айтишади. Энг асосийси, у ўзи учун бир муҳим жиҳатни, яъни икки инсон учун яшаётганлигини англаб олди.

Бу ҳолат ёшгина йигитчани ўзининг қутқариб қолинган ҳаёти учун масъулият билан муносабатга бўлиб келаётганлигини, шу билан бирга барча шароитлар муҳайё бўлиб турган исталган дақиқада ҳаёти трансплантациясиз ҳалок бўлиши мумкин бўлган ҳолатга тушеб қолишдан ҳеч ким кафолатли ҳимояланмаганини кўрсатади.

Ҳаётни давом эттириш учун тирик ёки ўлик инсон аъзоси трансплантацияси талаб этилиши мумкин. Тирик донордан трансплантация қилинишида, тирик донорнинг бир бутун органи (масалан, буйрак) ёки тўқимасининг бир қисмидан фойдаланилиши мумкин. Ўлган донордан трансплантация қилинганида эса, у маълум маънода бошқа бир инсон баданида яшашни давом эттиради.

Мавзунинг шу қисмida, тирик ёки ўлган донорнинг тана аъзолари ва тўқималари трансплантацияси учун розилигини олишда (бу ҳолат асосан ўлган донорнинг тириклик даврида розилигини олишда эътиборга олиниши зарур) тирик донор (ёки унинг вакиллари) томонидан бошқа шартлар билан бир қаторда, реципиентнинг диний ва бошқа дунёқарашларига талаб қўйилишига ҳам рухсат бериш зарур. Чунки, ислом дини таълимотига асосан, инсон қайта тирилганида, унинг ҳар бир аъзоси ўз соҳиби борасида кўрсатма беради. Шундай экан, мазкур ҳолатларни инобатга олиниши донор бўлишга розилик олишда ижобий натижা бериши мумкин.

Беларусь Республикасида трансплантация амалиётини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблашади. Чунки, бу амалиёт учун ҳаммада ҳам имкон топилмайди. Масалан, жигар трансплантацияси тахминан 20 000 АҚШ долларига, буйракни трансплантация қилиш ҳамда бир йил давомида даволаш тахминан 10 000 АҚШ долларига айланади. Айтиш жоизки,

сурункали буйрак етишмовчилигининг энг оғир босқичида бўлган одам учун ўз қонини тозалаш билан боғлиқ бўлган тиббий амалиёт, яъни гемодиализ ўтказилмаслиги ўлимга олиб келади. Мазкур амалиёт эса, буйрак трансплантациясидан кўра икки баробар қимматга тушади.

Жигар трансплантацияси ҳозирги замон тиббиётида кузатилувчи энг мураккаб жарроҳлик амалиёти ҳисобланади. Албатта, агар биз инсон ҳаётининг қадри нуқтаи-назаридан қараганда, битта жарроҳлик амалиёти бир инсон ҳаёти сақлаб қолинганини билдиради, лекин унумаслик керакки, мазкур жарроҳлик амалиёти бутун бир органда ҳаракатда бўлган тизимнинг ўзгаришидир. Олимлар жигар трансплантациясини ўрганиш билан бир қаторда бошқа кўпгина янгиликларни ўзлари учун кашф этишиди.

Мисол учун, аввал имконсиз ҳисобланган жигар шиши (печечная опухоль)ни бартараф этишдек мураккаб тиббий амалиётнинг йўли айнан Беларусь Республикаси жарроҳлари томонидан топилди. Ҳозирда бу амалиётни кўпгина давлатларга айнан шу республика олимлари томонидан ўргатилмоқда.



Оиланинг барча аъзолари қўзиқориндан заҳарланади. Энг зарарли бўлган қўзиқорин (бледная поганка ёки муҳомор зеленый)ни оиланинг ўғли еган эди. Унда ўтқир жигар етишмовчилиги ҳалокатли оғирлашиб боради. Агар бу вактда (Белорусияда) трансплантология соҳаси шакллантирилмаганида, йигит оламдан ўтган бўлиши мумкин эди (албатта, ҳаммаси Аллоҳдан).



III

у билан бирга, Беларусь Республикасига мазкур дардга йүлиққан беморлар ҳам бориб, даволанишлари йўлга кўйилди. Бизнинг қонунчиликда эса, трансплантация билан боғлиқ амалиётни чет давлатларда ўтказиш учун чиқиш бўйича тартиб умуман белгиланмаган. Фақатгина, инсон аъзолари ва тўқималарини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиш, уларни сақлаш, Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига олиб кириш тартибини белгилаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги ваколати саналиши қайд этиб ўтилган холоси[6].

Норматив-ҳукуқий ҳужжатдаги шу каби бўшлиқлардан айрим тоифа шахслар ўзларининг фаразли мақсадларида фойдаланмасликларига кафолат йўқ.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги "Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида"ги Қонун[7]и қабул қилинди ҳамда мазкур қонуннинг мақсади сифатида айнан инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши белгиланган.

Мазкур Қонуннинг ҳукуқий давоми сифатида 2022 йил 23 июнь куни

«Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-780 - сонли Қонун[8]и қабул қилиниб, Жиноят кодекси[9]нинг 97 (қасддан одам ўлдириш) ҳамда 104-модда (қасддан баданга оғир шикаст етказиш ларига тегишинча ўзгартишлар киритилган бўлса, яна 4 та қилмиш криминализация қилинди. Булар:

- 1151-модда. Инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга мажбурлаш;

- 133-модда. Инсон аъзоларини ва (ёки) тўқималарини олиш ҳамда трансплантация қилиш шартларини ва (ёки) тартибини бузиш (эски таҳрирда 133-модда. Инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олиш);

- 1331-модда. Инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотидиси;

- 1332-модда. Инсоннинг трансплантация қилинадиган аъзоларини ва (ёки) тўқималарини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш.

Қонун талаблари ўрганилганда, трансплантация соҳасида бир қатор талаблар кўйилгани маълум бўлади. Масалан, реципиент, тирик донор ва биологик ўлимидан





сўнг органи берилишига розилик берган шахслар ҳақидаги маълумотлар аввалги ҳамда трансплантациядан кейинги босқичда ягона давлат реестридан рўйхатдан ўтиши мажбурийлиги белгиланган, лекин реципиентлар ўзлари учун зарур бўлган органни кутиб тура олмаган тақдирда, уларга пуллик ёки чет давлат (трансплантация рухсат берилган)га бориб, муолажани ўтказишига рухсат бериш тартиби мавжуд эмас.

Бундан ташқари, трансплантация бепулга ўтказилиши сабабли, тирик донорларнинг ҳам ягона реестрга киришлари учун рафбатлантирувчи (моддий ёки бошқа) моддалар назарда тутилмаган.

Трансплантация қилиш тиббиёт амалиёти чет давлатида ўтказилишига тақиқ ҳам қўйилмаган, лекин реципиентлар ёки моддий маблағ ёки бошқа манфаат эвазига тирик донор бўлишни ихтиёр этган шахсларни чет элга чиқиб, органларини бошқа шахсларга (Ўзбекистон фуқаросими ёки чет давлати фуқаросими, фарқи йўқ) беришларига аниқ тақиқ қўйилмаган.

Ўзбекистон фуқаролари томонидан фаол равишда фойдаланиб келинаётган "Telegram" ва бошқа ижтимоий тармоларида ўтказилган бирламчи таҳлиллар (2022 йил 5 декабрь кунига) кибермаконда 3-4 та тирик одам органлари савдоси билан шуғулланувчи гуруҳлар мавжудлиги аниқланди.

Масалан,

- "Buyrak sotish pochka sotish" (<https://t.me/pochkasotishbuyraksotish>) гуруҳида 416 нафар иштирокчилари мавжуд;
- "Buyrak va jigar donor" (<https://t.me/jigatl>) гуруҳи амал қилган вақтида 201 нафар иштирокчилари мавжуд бўлган;
- "Buyrak donor kerak" (https://t.me/buyrakdoner_kerak) гуруҳи амал қилган вақтида 171 нафар иштирокчилари мавжуд бўлган;
- "Buyrak jigar donorlari" (https://t.me/buyrakdonor_ishonchli) гуруҳи амал қилган вақтида 107 нафар иштирокчилари мавжуд бўлган;

Гуруҳларда бўлиб ўтаётган сўзлашувларни бирламчи мониторинги асосан бу соҳада маълумотга эга бўлмаган, бефарқ иштирокчилардан иборат экани маълум бўлди. Бундай гуруҳлар сони доимий равишда ўзгариб туриши, битта ёпилган гуруҳ ўрнига янгилари очилиши билан хавфлидир.


Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказидан тақдим этилган хабарга кўра, 2018-2022 йиллар давомида юқорида қайд этилган жиноятлар бўйича ишлар кўрилмаганлиги аниқланди.

Ўрганилаётган муаммони юзага келишига бошқа сабаблар билан бир қаторда қуйидаги ҳолатлар ҳам сабаб бўлиб хизмат қилаётганлигини тахмин қилиш мумкин:



ЖИГАР ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИ ТАХМИНАН **20 000 АҚШ**

ДОЛЛАРИГА, БУЙРАКНИ
ТРАНСПЛАНТАЦИЯ
ҚИЛИШ ҲАМДА БИР ЙИЛ
ДАВОМИДА ДАВОЛАШ
ТАХМИНАН 10 000 АҚШ
ДОЛЛАРИГА АЙЛАНАДИ.
АЙТИШ ЖОИЗКИ,
СУРУНКАЛИ БУЙРАК
ЕТИШМОВЧИЛИГИНГ ЭНГ
ОФИР БОСҚИЧИДА БЎЛГАН
ОДАМ УЧУН ЎЗ ҚОНИНИ
ТОЗАЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ
БЎЛГАН ТИБИЙ АМАЛИЁТ,
ЯЪНИ ГЕМОДИАЛИЗ
ЎТКАЗИЛМАСЛИГИ ЎЛИМГА
ОЛИБ КЕЛАДИ. МАЗКУР
АМАЛИЁТ ЭСА, БУЙРАК
ТРАНСПЛАНТАЦИЯСИДАН
КЎРА ИККИ БАРОБАР
ҚИММАТГА ТУШАДИ.



- Маълумотларнинг очиқ манбаларда мавжуд эмаслиги, давлат томонидан амалга оширилаётган ишларнинг шаффоғлигига шубҳа туғдириши;

- Қонунда ягона давлат реестри ва бошқа шу билан боғлиқ норматив ҳужжатлар ишлаб чиқиш Вазирлар маҳкамасига юклатилган бўлишига қарамасдан, интернет жаҳон ахборот тизимида бу ҳақда маълумотнинг мавжуд эмаслиги;

- инсон омили ҳам катта аҳамиятга эга, яъни ҳар бир реципиент, реципиент бўлиши тахмин қилинаётган беморлар навбатда туриш, ўзларининг трансплантацияга бўлган навбатлари айнан қачон келишини билмагани учун ўз маблағлари ёки бошқа усуллар билан муаммоларини ҳал этишга ҳаракат қилишлари;

- ЎРҚ-768 га асосан, ташкил этилажак донорларнинг, реципиентларнинг, шунингдек инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг ягона давлат реестри ташкил этилган-этилмаганилиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмаслиги;

- ихтиёрий равишда донор бўлиши режалаштирилаётган шахслар учун бирон-бир рафбатнинг мавжуд эмаслиги;

- ўлимидан сўнг ўзининг

Малакали трансплантолог-жарроҳлар фаолият олиб борувчи давлатларда эса, айрим цензлар ўрнатилган. масалан, Белорусь Республикасида чет эл фуқаролари учун трансплантация амалиётини ўтказиш, жами шу йўналишдаги амалиётларнинг 10 фоиздан ортмаслиги белгилаб қўйилган. Бу ҳам фуқароларнинг етарли ишончга, малакага эга бўлмаган жарроҳлар хизматига мурожаат қилишларига мажбур қиласди.

соғлом органи бошқа бир инсонга трансплантация қилинишига розилик беришни расмийлаштириш, уни ягона давлат реестрига жойлаштириш механизмининг мавжуд эмаслиги;

- тирик донорларнинг шахсий ҳаётидаги мушкул моддий қийинчиликлар (катта қарз, кредит, яқин қариндошларининг оғир аҳволи, қимордаги қарз ва бошқалар) уларни ўзлари реципиентларни излаб топишга ҳамда Республикамиздан ташқарига чиқиб бўлса ҳам, органларини сотиб, моддий аҳволларини тўғрилашга ҳаракат қилишлари;

- донор аъзоларини олиб чиқиш тақиқланган бўлсада, тирик донорни ўзи чиқиб, чет давлатида ушбу амалиётни бажаришига тақиқ ҳамда тегишли тиббий ёки бошқа назорат механизми йўқлиги;

- реципиентларга ҳам чет элга чиқиб, трансплантация амалиётини ўтказишларига ҳуқуқий тақиқнинг мавжуд эмаслиги;

- тирик донор ва реципиент ўртасидаги келишув ошкор бўлган тақдирда, уларнинг иккаласи ҳам жиноий жавобгарликка тортилиши муқаррарлиги сабабли, бу ҳақда тезкор маълумот олишни қийинлаштириши ва бошқалар.

Мазкур камчиликлар эса, ўз ҳаёти сақлаб қолиниши учун амалдаги қонунлар билан тақиқланган, жиноий



жавобгарлик келтириб чиқарувчи қилмишлар, бошқача айтганда жиноят содир этишларига сабаб бўлиши мумкин.

Албатта, қонун билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқиб, реципиент сифатида трансплантация жарроҳлик амалиётини ўташлари учун тақиқ қўйилмаган. Бундай вазиятда, фуқароларимиз ўз ҳаётлари ва соғлиқларини хавф остида қолдираётгандикларини ҳам унутмаслик керак. Чунки, айрим чет давлатларда хусусий тиббий амалиётга айланниб улгурган трансплантология ҳар доим ҳам юқори малакали жарроҳлар, аъло даражадаги шароитда ўтказилмайди.

Малакали трансплантолог-жарроҳлар фаолият олиб борувчи давлатларда эса, айрим цензлар ўрнатилган. масалан, Белорусь Республикасида чет эл фуқаролари учун трансплантация амалиётини ўтказиш, жами шу йўналишдаги амалиётларнинг 10 фоиздан ортмаслиги белгилаб қўйилган. Бу ҳам фуқароларнинг етарли ишончга, малакага эга бўлмаган жарроҳлар хизматига мурожаат қилишларига мажбур қиласди.

Сўнгги вақтларда фуқаролар томонидан турли ижтимоий тармоқларда ўз тана аъзолари ва тўқималарини сотиш орқали ўзларининг моддий аҳволларини ўнглаб олишлари муҳокамасига бағишлиланган баҳслар

кўпайиб бормоқда. Айтиш жоизки, инсон аъзолари ва тўқималари олди-сотдиси қонун билан тақиқланган қилмиш сифатида кўпгина давлатларда тавсифланади.

Албатта, трансплантология соҳасида дунёда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган давлатлар ҳам бор. Масалан, МДҲ давлатлари орасида Беларус республикасида йилига 500 тадан ортиқ трансплантация жарроҳлик амалиётлари ўтказилиб келинмоқда.

Хулоса ўрнида, шуни айтишимиз мумкинки, бу соҳани Ўзбекистон Республикасида ҳам ривожлантириш учун, авваламбор амалдаги қонунларда қолиб кетаётган бўшлиқларни трансплантология соҳасида локомотив вазифасини ўтаб келаётган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда кучайтириш, трансплантологиянинг барча босқичлари (трансплантацияга тайёрлаш, ўтказиш ҳамда реабилитация) шаффофлигини таъминлаш, бу борадаги ягона давлат реестрини амалда жорий этиш, реципиентларни ҳамда донорларнинг соғлиғини тиклаш (бир маромда ушлаб туриш) учун лозим бўлган дори воситалари, тиббий амалиётлари билан тулиқ таъминланишини устидан қатъий назорат ўрнатиш, қайд этиб ўтилган ҳар бир йўналишда аниқланган ҳар бир қонун бузилиши ҳолатларига қатъий таъсир чораларини кўриш шарт.

ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES:

- Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 апрелдаги Конституцияси (Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган), (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон). <https://lex.uz/uz/docs/6445147>.
- Закон Республики Беларусь “О трансплантации органов и тканей человека” 4 марта 1997 года №28-З. www.kodeksy-by.com (ст.11).
- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги ЎРҚ-768-сон қонуни (11-модда). <https://lex.uz/uz/docs/6001286>.
- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги ЎРҚ-768-сон қонуни (3-модда). <https://lex.uz/uz/docs/6001286>.
- Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 11 майдаги “Инсон аъзолари ва тўқималарининг трансплантацияси тўғрисида”ги ЎРҚ-780-сон қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/6001286>.
- Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрдаги Жиноят кодекси (1995 йил 1 апрелдан кучга кирган). <https://lex.uz/uz/docs/111453#111481>.



ЎЗБЕКИСТОН ЖУГУНГИ ІНСТИТУТІ

Мурод МАВЛЯНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси
мустақил изланувчиси
(электрон почта манзили:
murodabduraximovich@gmail.com)

ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

THE STAGES OF DEVELOPMENT OF THE
LEGAL FRAMEWORK FOR THE FIGHT
AGAINST EXTREMISM



АННОТАЦИЯ. Мақолада
Ўзбекистонда
Экстремизмга
қарши курашишнинг
ҳуқуқий асосларининг
ривожланиши шартли
равишда беш босқичга
ажратилиб, ҳар бир
босқичда қабул қилинган
норматив-ҳуқуқий
ҳужжатлар, уларнинг
мақсади, мазмун-моҳияти
ёритилган.

ТАЙНЧ ТУШУНЧАЛАР:

экстремизм, экстремистик
харакат, экстремистик
фаолият, жиноят, тергов.

ANNOTATION. The article contains an analysis of the development of the legal framework for countering extremism in Uzbekistan, whereby this process is conditionally divided into five stages, that describes the regulatory documents adopted at each stage, their purpose and content.

KEY WORDS: extremism, extremist movement, extremist activity, crime, investigation.

¹ Шигабдинов Р.
Советлар давридаги илк
хаж зиёрати // [https://
www.uzanalytics.com/
tarix/7478/](https://www.uzanalytics.com/tarix/7478/)

**УЗОК МУДДАТ ДАВОМИДА АФГОНИСТОН
ХУДУДИДА ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАРНИНГ
ОЛИБ БОРИЛИШИ, ТЕРРОРЧИЛИК
ВА ЭКСТРЕМИСТИК ГУРУХЛАР
“ТАЖРИБАСИ”НИ ОШИШИГА ШАРОИТ
ЯРАТДИ.**



M

Марказий Осиё минтақаси ва Ўзбекистон худудида узоқ йиллардан буён ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги ва хавфсизликнинг таъминланаётганлиги деструктив кучлар, хусусан экстремизм ва терроризмга қарши курашиш соҳасида ўз вақтида кўрилган ташкилий ва ҳуқуқий чоралар натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига экстремизм таҳди迪 ва ушбу турдаги жиноятлар содир этилиши интенсивлиги, ушбу йўналишда янги турдаги жиноят ва ҳуқуқбузарлик шакллари, содир этишнинг янги восита ва усуллари яратилишига мутаносиб равишда экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтди ва такомиллашиб борди. Экстремизмга қарши курашиш йўналишидаги тенденциялар ва уларга қарши курашиш ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, ушбу даврларни шартли равишда қўйидаги беш босқичга бўлиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, биринчи

босқич – 1991 йилгача бўлган давр. Ушбу давр Мустақил Ўзбекистон Республикасида экстремизмга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини яратиш заруриятининг асос даври бўлди. Ушбу даврнинг хусусиятларини миңтақадаги ижтимоий, сиёсий, диний ва иқтисодий вазият муайян маънода тавсифлаб, мазкур вазият миңтақада илк экстремистик ғоялар пайдо бўлишига дастлабки шарт-шароитни яратиб берди. Бунда, дин ва Афғонистон омилларини алоҳида эътироф этиш дозим.

Жумладан, Олим
Р. Шигабдинов совет
ҳукумати даврида
олиб борилган дин
сиёсатига тўхталиб,
“иккинчи жаҳон уруши
бошланиши арафасида
Совет Иттифоқининг
динга қарши сиёсати
қанчалар пуч эканлиги
намоён бўла бошлади.
Масжидларнинг ёпилиши
ва дин пешволарига
қилинган таҳдидларга
қарамай, аҳоли диний
қадриятларидан воз
кечмади”¹ дея қайд этади.



Kейинчалик диний соҳада чоралар амалга оширилган бўлсада, бироқ ушбу чоралар аҳолининг диний эҳтиёжларини тўлиқ қониқтирумас эди. 1990 йилларда СССР таркибида давлатларнинг мустақилликка интилиши, айрим радикал кучларни минтақамизда диний давлатни тузишга ҳаракатини авж олишига олиб келди.

Иккинчи томондан, узоқ муддат давомида Афғонистон ҳудудида ҳарбий ҳаракатларнинг олиб борилиши, террорчилик ва экстремистик гуруҳлар "тажрибаси"ни ошишига шароит яратди.

Ушбу даврларда жиноятларга қарши курашишга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар экстремизмга қарши курашишнинг хуқуқий асосларини ташкил қилган. Олима Х. Сулаймонованинг қайд этишича "РСФСРнинг Туркистон автоном Республикаси жиноят хуқуқи бўйича Асосий қўлланма" биринчи жиноят қонуни бўлиб хизмат қилган бўлса, 1922 йил 24 майда РСФСРнинг Жиноят кодекси қабул килиниб, бу Кодекснинг Туркистон Республикасида ҳам амал қилиниши тўғрисида 1922 йил 21 июлда Туркистон Марказий Ижроия қўмитаси томонидан қарор қабул қилинди. Бу кодекс Бухоро ва Хоразм Ҳалқ Республикалари ҳудудига ҳам жорий килинади¹.

Шунингдек, 1924 йил 31 октябрда қабул қилинган "ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асосий қоидалари", 1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1926 йил 1 июлдан амалга киритилган.

Р. Имомовнинг фикрига кўра, "1959 йил 21 майда Ўзбекистоннинг янги Жиноят кодекси қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан амалга киритилди. Ушбу Жиноят кодекси 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлди"².

Бундан ташқари, О. Хлобустов терроризмга қарши курашувчи тузулмалар тўғрисида тўхталиб, "СССР Давлат хавфсизлик қўмитаси раисининг 1967 йил 25 июлдаги 0096-сон бўйруғига биноан, унинг 5-бўлими ташкил этилиб, унга қўйидағи вазифалар юкланган:



¹ Сулаймонова Х.С. История советского государства и право Узбекистана. II жилд. - Тошкент: Уз ССР ФА, 1960. 405-406 ст.

² Имамов Р. Ўзбекистонда жиноят конунчилиги тарихи (XIX аср ўрталари ва XX асрнинг 90-йиллари) // "SCIENTIFIC PROGRESS" журнал. VOLUME 2 | ISSUE 1 | 2021 ISSN: 2181-1601.

³ Хлобустов О. "Из истории борьбы с терроризмом в СССР" // <http://www.fsb.ru/fsb/history/>



Иккинчи босқич – 1991 йилдан – 1997 йилгача. Ушбу даврда Мустақил Ўзбекистонда экстремизмга қарши курашишнинг ilk қонунчилик асослари яратилди. Оғир ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий вазият, аҳоли ўртасида радикал диний ғояларнинг тарқатилиши, минтақада беқарорлик ўчоқларининг пайдо бўлиши, ҳокимиятни дин орқали эгаллаш ва мустаҳкамлашга уринишлар мазкур давр хусусиятини ўзида ифодалайди. Шунингдек, ҳалқаро экстремистик ташкилотлар ислом динини ниқоб қилиб, мустақил давлат ҳудудида диний экстремистик қараашларни тарқатиш, сиёсий мақсадларни дин никоби остида амалга оширишга интилувчи диний-экстремистик ва террористик гурӯҳлар минтақага суқилиб киришга ҳаракат қилдilar. Бу эса экстремизмга қарши курашиш учун ҳуқуқий асосларни шакллантириш заруриятини келтириб чиқарди.

Мазкур босқичда кузатилган экстремистик ҳаракатларнинг асосий қисми дин билан бевосита боғлиқ эканлиги сабабли, диний ташкилотлар фаолиятини тартиба солиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июндаги 289-XII-сон “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни¹ ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 18 декабрь куни 313-сонли “Диний ташкилотлар уставларини рўйхатга

олиш ҳақидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларини, рўйхатга олингандек учун йиғимларни олиш тартибини ва уларнинг миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори² қабул қилинди.

Шунингдек, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилиниши ва унинг 31 ва 57 - моддаларида³ дин соҳасидаги ноқонуний хатти - ҳаракатлар ва экстремистик ҳаракатларнинг тақиқланганлиги, экстремизм ва терроризмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини яратилишида алоҳида аҳамият касб этди.

Ушбу даврда экстремизмга қарши курашувчи субъектлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида” Қарори⁴, 1991 йил 26 октябрдаги 272-сонли “Республикада божхона хизматини ташкил этиш

¹Мазкур нормалар Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг (01.05.2023 йилдаги ЎРҚ-837-сон Қонун) мос равишида 35 ва 71 - моддаларида сақланиб қолган.

²Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 321-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim карорларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзилариди ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуклари, эркинликлари ва конуний манбаатларини ишончли хизом қилишини таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон Фармони)ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

³Мазкур Конун Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июндаги ЎРҚ-699-сонли «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонунига асосан ўз кучини йўқотган.

⁴Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 20 июндаги 263-сонли “Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги қарорига мувофик ўз кучини йўқотган.



ва унинг фаолияти масалалари ҳақида" Қарори¹, 1991 йил 2 ноябрдаги 278-сонли "Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Қарори², 1992 йил 2 апрелдаги 159-сонли "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини ташкил этиш масалалари" Қарори³, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 746-XII-сонли "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуни⁴ қабул қилинди.

¹ Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 апрелдаги 161-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини тўлик ёки кисман ўз кучини йўқотган деб хисоблаш hamda айrim қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

² Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз ахамиятини йўқотган айrim қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз ахамиятини йўқотган қонунчилик хужжатларини кайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбайларонлик мухитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги қарорига асосан ўз кучини йўқотган.

³ Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз кучини йўқотган.

⁴ Мазкур Конун Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августа 257-II-сонли "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзгартишилар ва кўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунига асосан янги тахрида тасдикланган.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, ички ишлар тизимида илк бора экстремизм ва терроризмга қарши курашиш алоҳида маҳсус бўлинмалар 1994 йил 13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 505-сон қарори билан 1994 йил 11 май кунидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 247-сонли "Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятичиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига тегишли ўзгартишилар киритиш орқали ташкил қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари таркибида Коррупция ва рэкетга ва террорчиликка қарши кураш бошқармалари ташкил этилди.

1994 йилнинг 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси қабул қилиниб, ушбу кодексларга экстремистик ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланди. Жумладан, Жиноят кодексига 156-модда (Миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиши), 159-модда (Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш) ва 216-моддаси (Жамоат бирлашмалари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишида тузиш) киритилди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга 184-моддаси (Жамоат тартибига ва фуқароларнинг хавфсизлигига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш) киритилди.



Ички ишлар тизимида илк бора экстремизм ва терроризмга қарши курашиш алоҳида маҳсус бўлинмалар 1994 йил 13 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 505-сон қарори билан 1994 йил 11 май кунидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 247-сонли "Хусусий мулк ва тадбиркорликни коррупция, рэкет ва уюшган жиноятичиликнинг бошқа турларидан ҳимоя қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига тегишли ўзгартишилар киритиш орқали ташкил қилинди.

66

**А.С. Якубовнинг
"жиноят таркиби
– маълум бир
ижтимоий хавфли
қилмишни жиноят
деб характерловчи
объектив ва
субъектив
белгиларнинг
минимал ва
етарли ийғиндиси"
деган таърифи
"жиноят таркиби"
тушунчасини содда
ва аниқ ёритиб
берган**



¹ Мазкур Фармон
Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг 2020
йил 27 сентябрдаги
ПФ-6075-сонли
«Ўз аҳамиятини
йўқотган конунчилик
хужжатларини
қайта кўриб чикиш
тизимини жорий этиш
оркали мамлакатда
ишбандармонлик
муҳитини яхшилаш
чора-тадбирлари
тўғрисида»ги
Фармонига асосан ўз
кучини йўқотган.
² Мазкур Конун
Ўзбекистон
Республикасининг
2021 йил 5 июндан
ЎРҚ-699-сонли
«Виждан эркинлиги
ва диний ташкилотлар
тўғрисида»ги
Конуни асосан ўз
кучини йўқотган

² Мазкур Қонун
Ўзбекистон
Республикасининг
2021 йил 5 июлдаги
ЎРК-699-сонли
«Виждан эркинлиги
ва диний ташкитлар
тўгрисида»ги
Қонунига асосан ўз
кучини ўйқотган

чинчи босқич 1997 йилдан – 2004 йилгача. Ушбу босқич экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини ривожланиш даври бўлди. Бунда, экстремизмга оид жиноятларни содир этишнинг янги усусларининг пайдо бўлиши, ҳуқуқий асосларни ҳам такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатларни обўрсизлантириш, мутаассиблик ғоялари билан йўғрилган диний материаллар тарқатиш, диний таълимотдан ноқонуний дарслар ташкил қилиш, Ислом динидаги баҳсли мавзуларни муҳокама ва талқин қилиш учун яширин “диний жамоат” ва дин никоби остидаги турли инсонпарварлик ташкилотларини тузиш, фуқароларни диний мавзуларда алдаш орқали уларнинг онгига ёт ғояларни сингдириш ҳолатлари қайд этилди. Мазкур ҳаракатлар экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, уларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш ва мавжуд нормаларни такомиллаштиришни талаб килди.

Жумладан, 1998 йил 26 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тӯғрисида”ги 130-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 21 апрелдаги ПФ-1989-сонли “Диний жамоалар, оқимлар ва гурухлар фаолиятининг қонунийлигини ўрганиш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияни ташкил этиш тӯғрисида”ги Фармони¹, 1998 йил 1 май куни Ўзбекистон Республикасининг “Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тӯғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни² янги таҳрирда қабул қилинди.

Эътибор қаратиш лозимки, ушбу даврда экстремизмга оид жиноятларга нисбатан бугунги кунда амалда бўлган бир қатор нормалар Жиноят кодексига киритилди. Жумладан, Узбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги 621-1-сон "Узбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Узбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 216-моддаси (Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар тузиш) янги таҳрирда баён этилди, шунингдек, 216¹-модда (Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятида қатнашишга ундаш), 216²-модда (Диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун хужжатларини бузиш), 229³-модда (Диний таълимотдан сабоқ бериш тартибини бузиш) ва 244⁴-модда (Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш ёки тарқатиш)лари билан тўлдирилди.

Шунингдек, 217-модда (*Иифилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказиш тартибини бузиш*)нинг иккинчи қисмига диний йиғилишлар ва бошқа диний маросимлар ўтказиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик киритилди.



Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 184-моддаси, 240-моддаси, 241-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, ушбу ўзгаришларда диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапараастлик ғоялари билан йўғрилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаганлик ва нолегал диний фаолият билан шуғулланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Шунингдек, ушбу кодекснинг 184¹-моддаси (Фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юриши), 201-моддаси иккинчи қисм "Диний ийғилишлар, кўча юришлари ва бошқа диний маросимлар ўtkазиш қоидаларини бузиш" ҳамда 202¹-модда



Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрдаги УРҚ-18-сон "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиши ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди.

(Фаолияти тақиқланган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларнинг фаолиятида катнашишига ундаш) билан тўлдирилди.

1999 йил 15 апрель куни Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 772-1-сон Қонуни билан ЖКнинг 216-модда ва 2161-моддасига ўзгартириш киритилди. Шунингдек, ЖКга 2442-моддаси киритилиб, унга кўра диний экстремистик, сепаратистик, фундаменталистик ёки бошқа тақиқланган ташкилотлар тузиш, уларга раҳбарлик қилиш, уларда иштирок этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

2004 йилдан – 2016 йилгача. Мазкур босқич экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш босқичи бўлганигини кўриш мумкин. Мазкур босқичда минтақада халқаро экстремистик ва террористик ташкилотлар фаоллашганлиги кузатилди.

2000 йилнинг 15 декабрида Ўзбекистон Республикасининг "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги ва 2004 йилнинг 26 август куни "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунлари қабул қилинди.

2001 йил 22 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 89-сонли "Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва маъмурий-бошқарув аппарати ходимларининг штатлар сонини қисқартириш тўғрисида"ги Қарори¹ билан экстремизм ва терроризмга қарши кураш тезкор бўлинмаларининг амалдаги 73 та штат бирликлари сони 393 та штат бирликларига кўпайтирилган.

Тўртинчи босқич 2004

Йилдан – 2016 йилгача. Мазкур босқич экстремизмга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш босқичи бўлганигини кўриш мумкин. Мазкур босқичда минтақада халқаро экстремистик ва террористик ташкилотлар фаоллашганлиги кузатилди. Мазкур воқеа-ҳодисалар мамлакатимизда экстремизм

¹ Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 87-сонли «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз аҳамиятини йўқотган айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчиллик ҳужжатларини кайта кўриб чиқиши тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик мухитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони)»ги карорига асосан ўз кучини йўқотган.



ва терроризмни олдини олишга қаратилган профилактик тарғибот тадбирларини, тезкор-қидирув фаолиятини, ушбу турдаги жиноялар учун жавобгарликни кучайтириш заруриятини келтириб чиқарди.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 28 декабрдаги ЎРҚ-18-сон "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурй жавобгарлик түғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуни қабул қилинди ва ЖКнинг 159, 217, 244¹-моддаларига тегишли ўзгартиришлар киритилди ҳамда ушбу моддаларда назарда тутилган жиноялар учун санкциялар кучайтирилди.

Шунингдек, 2006 йилнинг 22 июнь куни "Ўзбекистон Республикасининг жиноят, жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг маъмурй жавобгарлик түғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-37-сонли Қонуни билан ЖКнинг 156-моддаси (Миллий, ирқий ёки диний адоват қўзғатиш) янги таҳрирда белгиланди. Шу билан бирга, Жиноят кодексининг 159-моддаси диспозициясига ўзгартиш киритилиб, давлат тузумини ноқонуний ўзгартириш, ҳокимиятни эгаллаш, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитликини бузишга оид материалларни тарқатиш мақсадида тайёрлангани учун, 244³-моддасига диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки тарқатганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланди. Мазкур қонун билан МЖтКнинг 184²-моддасида диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, олиб кириш ёки

**2006 йилнинг
22 июнь куни**
“Ўзбекистон
Республика-
сининг жиноят,
жиноят-
процессуал
кодексларига
ҳамда
Ўзбекистон
Республика-
сининг
маъмурй
жавобгарлик
түғрисидаги
кодексига
 ўзгартиш ва
 қўшимчалар
 киритиш
 ҳақида”ги ЎРҚ-
37-сонли Қонуни
 билан ЖКнинг
 156-моддаси
 (Миллий,
 ирқий ёки
 диний адоват
 қўзғатиш)
 янги таҳрирда
 белгиланди.

тарқатиш ва 184³-моддасида миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш ёки тарқатганлик учун маъмурй жавобгарликлар киритилди.

